

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АЙМАТОВ АНВАРБЕК АБДИҲОЛИҚОВИЧ

САМАРҚАНД ШАҲРИ ТАРИХИЙ ТУРАР ЖОЙЛАРИНИ
САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ЙЎЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш

АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on architecture**

Айматов Анварбек Абдихолиқович Самарқанд шахрининг тарихий турар жойларини сақлаш ва қайта тиклаш йўллари тақомиллаштириш	3
Айматов Анварбек Абдихолиқович Пути усовершенствования, сохранения и реконструкции исторических жилых зданий города Самарканда	21
Aymatov Anvarbek Abdixoliqovich Ways of improvement, preservation and reconstruction of historic residential buildings in Samarkand	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	42

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АЙМАТОВ АНВАРБЕК АБДИХОЛИҚОВИЧ

**САМАРҚАНД ШАҲРИ ТАРИХИЙ ТУРАР ЖОЙЛАРИНИ
САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ЙЎЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**18.00.01– Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.1.PhD/A21 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салимов Орифжон Муслимович
меъморчилик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Равшанов Фазлиддин Равшанович
сиёсий фанлар доктори

Мансуров Яшнар Маъруфович
меъморчилик фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Санъатшунослик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__»_____соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 7 В-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. тел.:+99871 237-11-37, факс: +99871 234-15-11. Web: www.taqi.uz, E-mail: devon@taqi.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй. тел.: +99871 234-60-16).

Диссертация автореферати 2020 йил «__»_____ куни тарқатилди.

(2020 йил «__»_____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Д.А. Нозилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, арх.ф.д., профессор

Т.Ш. Маматмусаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, арх.ф.д.

Т.А. Ҳидоятлов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, арх.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда тарихий шаҳарлар ҳамда улардаги меъморий ёдгорликларни сақлаш ва улардан унумли фойдаланишга қаратилган самарадор йўналиш фаол ривожланмоқда. Қадимий шаҳарларни қайта куриш ва модернизациялашда тарихий жойлар структурасини сақлаб қолиш ва меъморий – бадий қийматларга эга бўлган ёдгорликлардан самарали фойдаланиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади. БМТ, ЮНЕСКО, ICOMOS каби нуфузли ташкилотлар томонидан маданий меросни сақлаш ва уларни келгуси авлодга етказишга доир – Бутунжаҳон маданий ва табиий меросини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (1972), Тарихий шаҳарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро хартия (Вашингтон хартияси, 1987), Маданий мерос ҳисобланган тузилма, объект вайроналарининг атрофини сақлаб қолиш тўғрисидаги Сиам декларацияси (2005) каби халқаро ҳужжатларнинг¹ мунтазам равишда қабул қилиниши бу соҳанинг нақадар муҳимлигини кўрсатиб беради. Бу борада тарихий шаҳарларда муҳим аҳамиятга эга бўлган марказлар, мажмуалар, архитектура ёдгорликлари, анъанавий турар жойларни сақлаш ва таъмирлаш, туризм соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида тарихий турар жойларнинг пайдо бўлиши, эволюцион тараққиёти, тархӣй тизимларини сақлаш, қайта тиклаш ва модернизациялашга бағишланган илмий тадқиқотларда турар жойларнинг типологиясини аниқлаш, ўрта асрларга мансуб ҳудудларни тиклаш, тарихий ва замонавий биноларни бир-бири билан уйғунлаштириш, ёдгорликларнинг муҳофаза ҳудудини аниқлаш, сайёҳлик маршрутларини тузиш, муҳандислик тармоқлари инфраструктурасини такомиллаштириш ва бошқариш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу илмий тадқиқотларда қадимий турар жойлар комплексининг барқарорлигини таъминлаш, илк аҳоли яшаш пунктларининг вужудга келиш ва тараққий этиш жараёнларини тадқиқ этиш, турар жойларнинг режавий структурасига аниқликлар киритиш ва уларнинг замонавий шаҳарсозлик маданияти ривожига таъсирини очиб бериш, тарихий ҳудудларнинг сайёҳлик имкониятларини ошириш, маданий мерослардан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, 2001 йилда Хельсинкида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Жаҳон Мероси Комитетининг 25-сессиясида Самарқанд шаҳрининг тарихий маркази «Самарқанд – маданият чорраҳаларида» номи билан бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. Шунингдек истиқлол йилларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент, Термиз, Марғилон каби қадимий шаҳарларнинг юбилейлари муносабати билан кўплаб меъморий ёдгорликлар таъмирланди, тарихий шаҳар марказлари қайта тикланди, музей қўриқхоналари атрофлари ободонлаштирилди. «Маданий мерос объектлари халқнинг бебаҳо бойлиги, уларни асраш ва авлодларга безавол

¹ Список всемирного наследия ЮНЕСКО: <http://whc.unesco.org/en/list>.

етказиш барчамизнинг бурчимиздир»². Ҳозирда шаҳарлар бош режаларини мукамал ишлаб чиқиш, шаҳар ва аҳоли ҳудудлари марказларини барпо этиш ҳамда жаҳон андозалари асосида замонавийлаштириш, айниқса, тарихий шаҳарлардаги анъанавий халқ уйлари, маҳаллаларни сақлаш, қайта тиклаш асосида тарихий маҳаллаларнинг нуфузини кўтариш, ҳунармандчиликни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5181-сонли «Моддий-маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5408-сонли «Қурилиш Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2014 йил 21 июлдаги ПҚ-200-сонли «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини янада такомиллаштириш» бўйича қарори ва соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX асрдан бошлаб Ўзбекистон турар жойларининг меъморий анъаналари ва шаҳарсозлик масалалари тарихий, типологик, архитектуравий, этнографик, археологик, топографик тадқиқотлар ва илмий мақолаларда кўп марта акс этган.

Самарқанд шаҳрининг тарихи ва архитектурасини ўрганишга олимлардан В.Л.Вяткин, В.В.Бартольд, М.Е.Массон, Я.Ғ.Ғуломов, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, О.А.Сухарева, А.А.Семенов, П.Ш.Зохидов, М.Қ.Аҳмедов, А.С.Уралов³, С.Б.Маноев ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Ўзбекистон анъанавий халқ уйлари ва иморат қурилиши тажрибаларини умумлаштириш ва тарихий ривожланиши Р.Р.Абдурасулов, В.А.Воронина, В.Д.Дмитриев, В.А.Нильсен, С.Н.Полупанов, В.Л.Лавров, В.Н.Манакова, Р.Т.Тоштемиров, К.Д.Рахимов, Д.А.Нозилов, З.Ш.Досметова, Д.З.Салохитдинова⁴ ва бошқаларнинг илмий ишларида акс этган.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлис палаталари, сиёсий партиялар билан бўлган йиғилишдаги маърузаси. «Халқ сўзи» – 2017. – 13 июль. №137 (6831).

³ Вяткин В.Л. Памятники древностей Самарканда. //Объяснительный текст к «Альбому фотографических снимков Самаркандских памятников древностей». – Самарканд, 1927. – 32.; Массон В.М., Мерперт Н.Я. Археология СССР. Энеолит СССР. – М. «Наука», 1982. – 359с; Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX-нач. XX веков). – Ташкент: Изд-во им. Г. Гуляма, 1983. – 208 с.; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времён до середины XIX века. – М.: Изд-во «Искусство», 1965. – 686с.; Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара: Сб. науч. тр. Ташкент, 1979. – 182 с. Зоҳидов П.Ш. Традиции народных зодчих Узбекистана. – Ташкент: Изд-во «Наука», 1964.– 8 с.; Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1995. – 142 с.; Уралов А.С. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш. – Самарканд: СамДАҚИ. – 2003.

⁴ Абдурасулов Р.Р. «Архитектура народного жилища Узбекистана»; Воронина В.Л. Климат и жилище Средней Азии. Архитектурное наследие, М., 1982. – №30, – 120-132 с.; Дмитриев В.М. Вопросы использования архитектуры узбекского народного жилища в современной практике. – Ташкент издательство «Фан» Узбекской ССР 1980 г.; Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии [с древних времён до второй половины

Ўзбекистон тарихий шаҳарларини қайта тиклаш муаммоларига оид асарлар ичида Ш.Д.Асқаров, Т.Ф.Қодирова, А.А.Шукуров, И.М.Азимов, И.И.Ноткин, М.Салимов, Х.Ш.Пўлатов, Х.Ш.Пўлатов, А.А.Зияев, К.Д.Рахимов, Т.Ш.Маматмусаев⁵ ва бошқаларнинг илмий ишлари диққатга сазовордир. Ҳозирги кунда анъанавий халқ уйлари, маҳаллалар ва тарихий шаҳар марказларини сақлаш, қайта тиклаш ва замонавий мақсадларда фойдаланиш бўйича ЎзшаҳарсозликЛИТИ ДУК, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Санъатшунослик институти, СамДАҚИ ва ТАҚИ олимлари шуғулланмоқдалар.

Самарқанд турар жой уйлари турли даврларда М.А.Андреев, Т.С.Страмцова, И.Ф.Бородин, Х.Мамышев, В.А.Булатова, С.Ш.Ходжаева, Л.Ю.Маньковская, О.С.Джаббар⁶ ва бошқалар ўрганган. Бироқ юқорида келтирилган олимларнинг тадқиқотларида турар жой уйлари сақлаш ва қайта тиклаш билан боғлиқ масалалар таҳлили ўтказилмаган, негаки муаллифлар ўз олдларига бундай мақсадларни қўймаган.

Диссертация мавзусининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Анъанавий иморатсозликнинг рақобатбардош меъморий конструктив усуллари тадқиқ этиш ва уларнинг меъёрий маълумотлар банкини яратиш» (2007-2011) ва «Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафқураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш» (2011-2016) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Самарқанд шаҳри тарихий турар жой биноларини сақлаш, қайта тиклаш ва модернизациялаш борасида илмий-назарий ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллаларнинг тарихий эволюцион ривожланиши ва босқичма-босқич шаклланишини аниқлаш;

тарихий турар жой бинолари ва маҳаллаларнинг типологик характеристикасини аниқлаш;

XIX века]. – М.: Гос. изд. Архитектура и градостроительство. 1950. – 179 с.; Рахимов К.Д. Квартальные общественные центры исторических городов Узбекистана. Дисс.. канд. арх. – М.:МАРХИ, 1989.; Нозилов Д.А. Зодчество горных районов Средней Азии. – Ташкент, 1999. – 222с.; Особенности декоративного оформления жилых домов Ташкента XIX – начала XX в. 43,44 с. Ташкент 2018 г.

⁵ Асқаров Ш.Д. Развитие градостроительной культуры среднего Востока в XX в. Градостроительство и архитектура. – Ташкент, 1989. с. 210.; Азимов И.М. Архитектура Узбекистана XVIII – нач. XXв. [Традиции и локальные особенности]: Дис.. док. архитектуры. – Москва, 2000. – 360 с.; Х.Ш.Пўлатов «Санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи. Ўрта Осиё архитектураси тарихи». Ўқув қўлланма 182 б Тошкент, 2012 й.; А.А.Зияев ТОШКЕНТ 2-том 2012 й.; Салимов А.М.Сохранение и использование памятников архитектуры Узбекистана. Т.Монография., Изд. «ФАН» 2009. 288 стр.; Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта тиклаш. Монография. ТАҚИ, Т.: 2016. 161 б.

⁶ Андреев М.С. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандской области в 1921 Сб. науч. тр. по этнографии. – Ташкент, 1925. – 102 с.; Страмцова Т.С. Формы и детали феодальной архитектуры Узбекистана: Сб. науч. тр. СЛИИ. Вып. 4. – Ташкент, 1939. – 96. с.; М Маньковская Л.Ю.Типологические основы зодчества Средней Азии (IX – начало XIX). – Ташкент, 1980. – 183 с.

анъанавий маҳалла турар жойлари муҳитининг ландшафт ечими ва микроклимнинг шаклланишини ўрганиш;

анъанавий турар жойларнинг режавий, ҳажмий-фазовий, композиция ечимларини, анъанавий халқ уйларининг конструкциялари, интерьери, бадий декоратив хусусиятларини тадқиқ қилиш;

тарихий шаҳарни қайта тиклаш жараёнини ўрганиш ва унинг компонентларини аниқлаш;

тарихий марказ муҳитларидаги анъанавий турар жойларни шакллантириш ва модернизациялаш бўйича лойиҳавий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Самарқанд шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги турар жой ва маҳалла марказлари, жумладан: Сўзангарон, Даҳбед, Бибихоним, Заргарлик кўчалари, Боғи майдон ва Гўри Амир маҳаллалари ҳамда Руҳобод атрофидаги анъанавий халқ уйлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Самарқанд эски шаҳар қисмидаги маҳаллалар ва анъанавий турар жойларнинг шаклланиш қонуниятлари, уларнинг меъморий-режавий тузилиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида статистик, қиёсий, архив, археологик материаллар ва меъморий лойиҳаларни таҳлил қилиш, кузатув, тажриба, синов, ижтимоий сўровнома, интервью каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шаҳарсозлик тарихида турар жой ва маҳаллалар меъморий композициялари антик давр (мил.авв. I – мил. IV), ислом даври (VII-XIII а.а.), теурийлар даври (XIV-XV а.а.), хонликлар даври (XVI-XIX а.а.), Чор Россияси ва собиқ Совет Иттифоқи даври (XIX-XX а.а.) ва мустақиллик даври (1991 йилдан шу вақтгача) каби эволюцион босқичларда шаклланганлиги аниқланган;

турар жойлар архитектурасининг шаклланишига диний ва этник (ички ва ташқи ҳовли), табиий (ариқ, ҳовуз), ижтимоий-иқтисодий ва маиший (хунармандчилик устахоналари, кичик савдо дўконлари) омиллар таъсир кўрсатганлиги аниқланган;

анъанавий турар жойларнинг ҳажмий-фазовий композицияси маҳалла марказининг яхлитлигини оширганлиги ва ўз навбатида, турар жой ва маҳалла марказлари комплекс тарзда шаҳар монументал ансамблларининг улуғворлигини намоён этганлиги исботланган;

анъанавий турар жойларнинг ҳудудий ўзига хос мезонлари улуғ ва терс айвонли, долонли (Хоразм), тобистон ва зимистон хонали (Бухоро), соябонли, берун ва дарун ҳовлили (Тошкент), ҳашамдор очик айвонли, хунармандчиликка оид хоналарнинг кўплиги (Самарқанд), қашқарча туридаги марказий хонали (Фарғона) кабилар аниқланган;

анъанавий турар жойлар структурасининг ривожланишида периметриал ёпиқ ҳовли ядро ролини бажарганлиги, унинг атрофида дарвозахона, далон, чорпоя, айвон, пешайвон, даҳлиз ва хоналар шаклланганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Самарқанд тарихий шаҳрининг турар жойлари инвентаризация қилиниб, аҳоли орасида сўровномалар ўтказилган ва тарихий ҳудудни реабилитация қилиш инструментариалари яратилган;

анъанавий шаҳарсозлик структурасида тарихий турар жой биноларини сақлаш ва қайта тиклаш, замонавийлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган;

шинам турар жойга эга бўлиш тарихий турар жой фондини ташкил қилишнинг илғор анъаналари аниқланди;

хунармандчилик, туризм оқими орқали иқтисодий тежамкорлик ва самарадорликка эришиш йўллари ва дастурлари ишлаб чиқилган;

тарихий турар жойларни сақлаш, қайта тиклаш, уларни замонавийлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув, усуллар ва назарий маълумотларнинг меъморий лойиҳалаш орқали амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг эса соҳага тегишли республикадаги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, натижаларнинг республика лойиҳалаш ташкилотларида амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Ўзбекистон меъморчилиги тарихи ва назарияси соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга тарихий турар жойларни сақлаш, қайта тиклаш ва модернизациялаш бўйича илмий лойиҳа ишларини бажаришда катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти архитектура ва қурилиш ташкилотлари фаолиятида, тарихий шаҳарларни қайта тиклаш ва сақлашда, туризмни ривожлантиришда, замонавий меъморчилик ва шаҳарсозликни ривожлантириш бўйича амалиётда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда олий таълим муассасаларида архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида таъмирлаш ва қайта тиклаш бўйича фанларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд шаҳрининг тарихий турар жойларини сақлаш ва қайта тиклаш йўллари такомиллаштириш мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тарихий турар жой уйлари сақлаш, қайта тиклаш ва модернизациялашнинг назарий асослари юзасидан олинган илмий натижалардан амалиётда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг 2019 йил 18 мартдаги 01-01/36-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Самарқанд эски шаҳар маҳаллаларини сақлаш, қайта тиклаш, улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш ва таъмирлаш тамойилларини амалий лойиҳаларда қўллаш имконини яратган;

Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмлари ва буфер зонасидаги тарихий турар жойларни реабилитация қилиш, тарихий шаҳарнинг бош режаси бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар амалиётда қўлланилган. (Тошкентбошплан ЛИТИ ДУКнинг 2019 йил 8-ноябрдаги ОГП-2459-сон далолатномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши тарихий шаҳар турар

жойларини сақлаш ва модернизациялаш бўйича маълумотлар базасини шакллантириш имконини яратган;

анъанавий турар жойларнинг эволюцион ривожланиши, структуравий ечими, ҳажмий-фазовий композицияси, ҳудудий ўзига хос мезонлари, турар жойларни шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар бўйича олинган натижалар амалиётда фойдаланилган (Самарқанд вилояти Қурилиш Бош бошқармасининг 2019 йил 15 сентябрдаги 01-56-сон далолатномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши турар жойларни таъмирлаш ва модернизация қилишда анъанавий услублардан фойдаланиш имкониятини оширган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг натижалари 51 та илмий ва илмий-лойиҳавий ишларда, шу жумладан 20 дан зиёд архитектуравий объектлар амалий лойиҳаларида, тарихий шаҳарлар марказларини қайта тиклаш ва ободонлаштириш борасидаги илмий-амалий лойиҳа таклифлари ва тавсияларда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, шу жумладан 3таси халқаро журналларда ва 20та тезислар (улардан 7 таси халқаро) конференция материалларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, луғат ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий матни 150 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Анъанавий маҳалла ва турар жой биноларининг шаҳар архитектураси таркибида эволюцион шаклланиши**» деб номланган биринчи бобида, Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмидаги маҳаллаларнинг пайдо бўлиш тарихи, уларнинг умумий характеристикаси, маҳаллаларнинг ташкил бўлиш жараёни, шаҳар ривожланишидаги ўрни ўрганилган, шаҳарсозлик муҳитидаги маҳаллалар таҳлил қилиниб, улар асосида илмий хулосалар берилган.

Ўрта Осиё шаҳарсозлик тизимида турар жойлар ва маҳала марказларининг тарихий типологик ривожланишини олти босқичга ажратиш мумкин:

1. Мил.авв. VI аср ва милодий IV аср (антик давр);
2. VII-XIII асрлар (ислом даври);
3. XIV-XV асрлар (темурийлар даври);
4. XVI-XIX асрлар (хонликлар даври);
5. XIX охири – XX асрлар (чор Россиси ва Совет Иттифоқи даври);
6. 1991 йилидан бошлаб бугунги кунгача бўлган вақт (мустақиллик даври).

Маҳаллалар ривожланишининг биринчи босқичида шаҳарнинг режавий тизимидаги турар жой биноларининг аҳамиятини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бу даврдаги асосий мақсадлардан бири диний дунёқарашни шакллантириш ва унинг таъсирини ҳамма соҳаларда қўллашдан иборат бўлган. Бунга қадимий Ўрта Осиёдаги Тупроқ-қалъа шаҳри археологик қазилмалари ёрқин мисол бўла олади. Шаҳар юзаси тархи 12 гектар юзага эга бўлган тенг тўғри бурчакли тўртбурчакдан иборат. Шаҳарнинг шимолий томони ички девор билан ажратилган. Шимоли-ғарбий томонда ҳукмдорнинг саройи, яъни қасри жойлашган. Ушбу сарой уч: меҳмонхона, ётоқхона ва хўжалик қисмларидан ташкил топган. Қаср ёнида катта бўлмаган тўғри бурчакли «олов эҳроми» ҳовлиси шаҳарнинг сиёсий марказидан ташқари жамоат маданий маркази функциясини ҳам бажарган. Шаҳарнинг қолган 2/3 қисми турар жойларнинг қурилишини ташкил этади⁷. Турар жой уйларида ташкил топган маҳалла марказидан шаҳарнинг бутун аҳолиси фойдаланган.

Шаҳарсозлик тизимининг кейинги ривожланиши шаҳар даҳалари ҳудудида яратилади. Даҳалар кўп сонли бир хил турар жойлардан ташкил топган бўлиб, баъзилари очик ҳовлилардан иборат, бу ерда маҳалла марказларининг жамоавий ўрни жойлашган деб тахмин қилинади⁷.

Ўрта Осиёда иккинчи босқич маҳаллий шаҳар архитектурасининг ривожланиши «Ислом даври»нинг бошланишига тўғри келади. Араблар ҳукмронлиги ўрта асрлар бошида шаҳарнинг маданий-иқтисодий ҳамда шаҳарсозлик тизимининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ўрта Осиёга одатий бўлган тўғри бурчакли шаҳар режаси ҳунармандлик маҳсулотларининг савдоси, маҳалла тизимининг шаклланган турар жой комплекслари ҳисобидан янада кенгайиб борди⁸.

Шаҳарсозликнинг бу даврдаги ўзгаришлари шаҳар асосий кўчаларининг шаклланишида, хилма-хил меъморий ансамблларда, кўчаларда, мавзеларда ўз аксини топган (Регистон, Шоҳи Зинда ва бошқалар).

Маҳалла марказлари архитектурасининг тадрижий-типологик ривожланишидаги учинчи босқич Темурийлар ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бу даврда мамлакатда ички ва ташқи савдонинг ривожланиши натижасида кўпгина жамоат марказлари ўз таркибига савдо масканлари ва бозорларни киритган ҳамда муайян режали шаҳар микроструктурасини яратган⁹.

Маҳалла турар жой бинолари муҳимлиги ва маҳобатлилигини кўчайтириш мақсадида марказларда «жуфт» ва «қўш» меъморий ансамбл усуллари кенг қўлланилган¹⁰. Бироқ, Амир Темур ва темурийлар фақатгина ансамбл қурилиши билан чегараланмай, ансамбл композициясини асосий иерархик шаҳарсозлик элементлари билан боғлаган ҳолда ривожлантирган. Кейинги даврларни ўрганишдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, темурийлар даврида маҳалла турар

⁷ Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948. – 5-115 с.

⁸ Либсон В.Я., Кульчинский Н.Д. Отдельные памятники архитектуры, архитектурные ансамбли. Методы их сохранения. Памятники архитектуры и современная городская застройка. – М., 1973. – с. 45-64.

⁹ Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта тиклаш. Монография. ТАҚИ, Т.: 2016. 53-54 б.

¹⁰ Дмитриев В. М. Вопросы использования архитектуры узбекского народного жилища в современной практике. -Ташкент издательство «Фан» Узбекской ССР 1980 г.

жой бинолари композицион, бадиий декоратив, ҳажмий-фазовий ва ландшафт ечими билан ўзининг мукамал кўринишига келган.

Маҳалла ва унинг турар жой бинолари архитектураси ривожланишининг тўртинчи босқичи «хонликлар даври»га тўғри келади. Ўзбек хонлиги даври Шайбонийлар ҳукмронлиги билан бошланган. Уларнинг пойтахти Бухоро шаҳри темурийлар даври пойтахтлари Самарқанд ва Ҳиротга тенг келмаса ҳам бу ерда савдо бинолари кенг қад ростлаган¹¹. Ушбу босқичда Ўрта Осиё шаҳарларининг тарихи анча ўзгаришларни бошидан кечириб, улар бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Шаҳар ҳудуди рабодларнинг шаҳристонларга айланиши натижасида кенгайиб борган, булар ўз навбатида маҳалла ва маҳалла марказларининг ривожланишига туртки бўлган.

Маҳалла турар жойлари архитектурасининг ривожланишидаги бешинчи босқич, бу, Ўзбекистоннинг собиқ Совет Иттифоқи таркибига киритилиш даврига тўғри келади. Вақт ўтгани сари ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда архитектура ансамбллари ўзининг асосий ғоявий-сиёсий вазифасини йўқотди. Шунга қарамадан улар ўзида жамоавий марказ вазифасини сақлади, лекин уларни энди маданий-тарбиявий ишларни олиб борувчи жой, деб атай бошлашди.

Маҳалла хизмат кўрсатиш объектларининг номенклатураси ўзгарди. Айниқса, маҳалла таркибига кирган чойхонанинг клуб тарзида қўлланилиши ва таъмирланиш тенденцияси кузатилди. Чойхона нафақат дам олиш ва чойхўрлик учун, балки «агитация» ва тарғибот ғоялари учун ҳам хизмат кўрсата бошлади. Ўрта аср маҳалла жамоавий маркази архитектураси шаҳарсозлик тизимида композицион-худудий кўриниш сифатида ўзининг эски ҳолатини сақлаб қолди. Аммо бу композицион-худудий ансамбл майдон ечими ва корхоналар номенклатурасининг янгиланиши билан кузатилди. Бу ерда турли шакл ва меъморий конструкция элементлари, куёш нуридан сақловчи ҳамда соя берувчи шийпон, айвон, пешайвон ва кайвон номлари остидаги қурилмалар шаклланди.

Урушдан кейинги йилларда янгиланишлар рўй берди. Биринчи марта «оқсоқоллар учун чойхоналар» номи билан маҳалла жамоавий маркази архитектураси намунали лойиҳа бўйича яратилди¹². Улар маҳаллий клублар, баъзан жамоавий ошхоналар ва кўпинча маҳалла масжидлари сифатида маҳалла жамоавий маркази архитектурасида қўлланилди. Усталар ушбу меъморий комплекс кўринишини санъат асарлари билан бойитишга ҳаракат қилишди. Биноларнинг деворлари ва шифтлари нақшинкорлик ва ҳаттотлик нақшлари билан безатилди.

Маҳалла турар жойлари архитектурасининг ривожланишидаги олтинчи босқичда, 1991 йилдан бошлаб бугунги кунгача бўлган даврда турар жой ва маҳалла марказларига жиддий эътибор қаратилди, маҳаллада жамоат марказининг яратилиши эса маҳаллаларнинг эски анъанавий тизими пайдо бўлишига олиб келди.

¹¹ Либсон В.Я., Кульчинский Н.Д. Отдельные памятники архитектуры, архитектурные ансамбли. Методы их сохранения. Памятники архитектуры и современная городская застройка. – М., 1973. – с. 45-64.

¹² Рахимов К.Д. Квартальные общественные центры исторических городов Узбекистана. Дисс. канд. арх. – М.:МАРХИ, 1989 – С. 221

Тарихий турар жойлардаги аҳолининг турмуш даражаси ва уларнинг анъанавий маҳалла марказлари шаклланишига таъсири ҳамда ижтимоий-иқтисодий омиллар Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг шаҳарсозлик тизими шаклланишида сезиларли роль ўйнади. Улар ўз навбатида маҳаллалар архитектурасида шакллантирувчи аҳамиятга эга бўлиб, унинг таркибий-генетик типологиясида, архитектуравий-бадиий қиёфасида ўз аксини топди.

Турар жой биноларининг типологик характеристикаси худудий, табиий иқлим шароити ва ижтимоий келиб чиқиши таъсири оқибатида турар жой турларининг шаклланишига олиб келган. Ўз ўрнида турар жойлар турларининг мужассамоти маҳаллаларни ташкил қилиб, шаҳарсозлик тизимида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маҳаллалар ва турар жой биноларининг шаклланишида асосий шарт-шароитлар ғоявий, ижтимоий-маиший ва иқтисодий омиллардан иборат бўлган. Улар маҳалла ва унинг марказлари қиёфалари, маҳаллалар янги кўринишининг яратилишига ёрдам бериб, шаҳарда шакллантирувчи роль ўйнаган ва шаҳарнинг худуд жиҳатдан ўсишига таъсир қилиб, унинг композицион-муҳит таркибининг янгиланишига катта таъсир ўтказган.

Маҳаллалар тизимида микроиқлим хусусиятларини аниқлаш борасида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳавонинг қизиқ кетишига қарши ҳимоя воситалари ва элементларидан комплекс фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан. Бунинг маъноси шундаки, микроиқлим муҳитини яратувчи элемент ва воситалардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда очик майдонлар ҳажмлари орасида бевосита пропорционал боғлиқлик мавжуд. Ушбу элемент ва воситаларга қуйидагилар киради:

ёпиқ лойиҳавий тузилмалар ихчам қурилмалар ёрдамида очик майдонларни чегаралаш ва ҳовлини горизонтал шамоллатиш шароити билан таъминлаш;

маҳалла маркази ҳовлиси худудини шахтасимон қурилмалар билан вертикал шамоллатиш, ҳаво конвенцияси шароитлари билан таъминлаш;

маҳалла марказининг очик майдонларини кўкаламзорлар, кенг айвонлар, далонлар ва бошқа соя солувчи турли қурилмалар, шийпонлар ёрдамида соялаштиришни ҳисобга олиш;

сув пуркагичли қурилмалар, сунъий шаршаралар ва бошқаларни қўллаш орқали сув билан таъминлаш ва кўкаламзорлаштиришнинг анъанавий усуллари ёрдамида «воҳа зоналари»ни яратиш;

тупроқнинг салқинлатувчи хусусиятларини қўшни турар жой биноси ҳовлисини ер сатхидан чуқурроқ жойлаштиришда қўллаш;

ер тўшамалари учун, дарвозахона, тошнов ва ҳаммомларда табиий тош материаллари, ҳовли қисмида эски 30x40 см. ва замонавий 12x24 см. ғиштлар қўлланилиши мақсадга мувофиқ (ғиштли тўшамалар қишда тойинмаслик, ёзда эса сув сепилса табиий шинамлиқни хосил қилади), шу билан бирга сунъий тўшамаларнинг муҳитга мослаштирилиши мақсадга мувофиқ;

ишқом, сўри, чорпоя, ўриндиқлар, сув қувурлари (ташнов), қудуқлар, йўлкалар, кўзалар, хумдонлар, гулдонлар, офтоба ва турли бошқа миллий

элементларни ҳовли муҳитининг элементлари сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир;

бино микроиқлими ва шаффофлигини таъминловчи ҳовли ландшафти ва боғ қисми турар жойнинг асосий элементи бўлган, у табиий шамол ва салқинлатувчи ҳисобланган, ҳамда гармселдан асрайди. Шунингдек ҳовлига нисбатан 80-120см. пастда жойлашган бино тагига сув кетмаслигини таъминлайди ва ҳовли периметри бўйлаб девор ишланишини тақозо этади. Боғда мевали ва манзарали экинлар тавсия этилади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон анъанавий халқ уйларининг архитектураси ва шаҳарсозликдаги хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида халқ анъанавий уйларининг архитектуравий-режавий, хажмий-фазовий тизими ва конструкцияларини тадқиқ қилиш, уларни сақлаш, келажак авлодга етказиш ва қайта тиклаш мақсадида Самарқанд шаҳри билан биргаликда Хива, Бухоро, Тошкент шаҳарлари тажрибалари ўрганилди, республиканинг тарихий шаҳарларида анъанавий уйларни сақлаш ва қайта тиклаш тажрибаси илмий таҳлил қилинди.

Ўзбекистон халқ меъморчилиги ўзининг табиий-иқлим шароитлари, маданияти, миллий-маиший анъаналари ва қурилиш техникавий базасидан келиб чиққан ҳолда ривожланиб келган. Ўзбекистоннинг иссиқ ва қуруқ иқлимида халқ уйлари структурасининг ташкил этилишини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, халқ иморатларининг функционал ва технологик боғлиқлигининг асосларини қуйидаги яхлит система ташкил этган:

хона+дахлиз+айвон+ҳовли+шийпон+устахона+дарвозахона

Бухоро ва Хоразм шаҳарларида анъанавий халқ уйларининг қулайлигига эга ҳовли саҳни меъморий яхлитлик тузилмасини таъминлаган.

Асосий хажмий-режалаштириш усуллари республика туманларида турар жой ва иморат қуриш муаммоларининг ҳал этилишига ижобий таъсир кўрсатган ва ҳар бир воҳа учун ўзига хос ва мос уйлар турлари яратилган. Жумладан, Хоразм ва Қуйи Зарафшон минтақаларининг қуруқ иссиқ иқлимида бунёд этилган турар жой бинолари имкони борича куёш нурларининг радиациясидан, кучли гармселлардан, кумли тўзонли қуюнлардан ҳимоя қилишга қаратилган¹³.

Тарихий шаҳар анъанавий турар жойларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона анъанавий халқ уйлари¹⁴. Бошқа тарихий турар жойлар шу тўртта тарихий шаҳар уйлари турининг бирига яқин бўлган.

Ўзбекистон тарихий шаҳарлари анъанавий уйларининг хажмий-фазовий ва композициявий ечимлари, уларнинг тизимида тадбиркорлик, хўжалик ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича қуйидаги етита турга бўлиш мумкин:

¹³ Лавров В.А. Методика реконструкции городов. – М.:Стройиздат, 1976. – с.150.

¹⁴ Рапопорт Т.Б. О прогрессивных традициях в архитектуре народного жилища Узбекистана. Архитектурное наследство. М.:Гос. Изд-во литературы по строительству, архитектуры и строительным материалам, 1961. – 199с.

Биринчи тур. Самарқанд, Тошкент, Қўқон ва бошқа шаҳарлар хунармандларининг - тўқувчи, кулол, темирчи, аравасоз ва бошқаларнинг уйлари икки ҳовлили бўлиб, ташқи ҳовлида, дарвозахона ёнида уста тўқувчининг 1-2 та тўқиш дастгоҳи, дарвозахоналардан ўнг томонда хўжалик ва ишлаб чиқариш хоналари жойлашган. Ичкари ҳовлида эса меҳмонхона, ётоқхоналар, ошхона, айрим ҳолларда хўжалик хоналари жойлаштирилган.

Иккинчи турдаги уйларда асосий хоналар ички ҳовлида жойлаштирилган, ташқи ҳовлида ишлаб чиқариш устахоналари, тўқиш дастгоҳлари ва бошқалар айвонда эмас, махсус устахонада жойлашган. Устахонанинг қарама-қаршисида эса меҳмонхона жойлаштирилган. Ичкари ҳовлидаги хоналарнинг жойлашуви биринчи турдагидек. Ишлаб чиқариш шарт-шароитлари, устахоналарнинг пайдо бўлиши, маҳсулотлар омборхонаси меҳмонларни қабул қилишнинг одатийлиги, буларнинг ҳаммаси ташқи ҳовлини режалаштиришда махсус талабларни қўйган.

Учинчи турдаги уйлар бой хунармандларнинг ҳовлили уйлари бўлиб, бу уйларда ҳовлилар ва хоналар шундай уйғунлашиб кетганки, натижада ишлаб чиқариш оила турмуш тарзига ҳалақит бермайди ва улар бир-бирини тўлдиради.

Тўртинчи турдаги уйлар ҳам иккита ҳовлидан иборат бўлиб, иккинчи турдаги уйларга ўхшайди ва хоналар кўча бўйлаб жойлаштирилган. Лекин ташқи ҳовлининг биринчи қаватида мол боқиш учун молхона, бостирмалар ва бошқалар жойлаштирилган бўлиб, иккинчи қаватида ишлаб чиқариш устахоналари ва меҳмонхона жойлаштирилган. Ичкари ҳовли ўзининг режалаштирилиши ва бадиий композицияси билан бошқа уйлардан ажралиб туради. Иккинчи қаватда эса ёз вақтида дам олиш учун ҳашаматли ним айвонлар ташкил этилган.

Бешинчи ва олтинчи турдаги уйларга бойлар, савдогар ва саноатчиларнинг уйлари киради. Ташқи ҳовлида катта отхона (саисхона) ва устахоналар жойлашган, ички ҳовли комплекс муҳитни боғлаб турувчи ва уларнинг алоҳида муштараклигини таъминловчи вазифани бажарган.

Еттинчи турдаги уйларда ички ва ташқи ҳовлидан бошқа учинчи ҳовлида - саисхона ҳам бўлган. Ташқи ва ички ҳовли юқорида келтирилган ҳовлилар композицияси билан мос ва бадиий жиҳатдан яхши ҳал қилинган. Учинчи ҳовлида ишлаб чиқариш турларидан келиб чиққан ҳолда мижозлар кутиб олинган. Шунга монанд тарзда ҳовлида ёзги ва қишки хоналар жойлаштирилган. Бу шундай режалаштирилганки, ташқи ва ички ҳовлида бўлаётган жараёнлар бир-бирига ҳалақит бермаган. Ҳовли майдони бошқа турлардагидан каттароқ. Ташқи ҳовлида ошхона, устахона, меҳмонхоналар шундай жойлаштирилганки, улар ҳовлилар тизими билан уйғунлашиб, яхлитликка олиб келган.

Юқоридаги тадқиқотлар натижасида анъанавий халқ уйларининг хажмий-фазовий ва композициявий ечимларининг асосан етти турга бўлинишини ва ҳар бир тур ўзида анъанавий ишлаб чиқаришни, тадбиркорликни мужассамлаштирганлигини кўришимиз мумкин.

Турар жойларнинг миллий анъаналар билан боғлиқ жиҳатларини кўриб чиқар эканмиз, турар жойлар архитектураси халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва

табий-иклим шароити таъсири остида ривожланиб, улар асрлар давомида шаклланган ва бизгача такомиллашган ҳолда етиб келганини кўриш мумкин.

Диссертацияда шунингдек, ҳовуз ва супалар, дарвоза, болахона, ҳовлилар, остона, оштикунат (тор, боши берк кўча), сув ариқлари, сандал, меҳроб, интерьер, китоба, косамон, тахмон, дарча, бешик, пойгоҳ, пешгоҳ, ташнов ва бошқа анъаналар билан боғлиқ архитектуравий элементлар ҳам ўрганиб чиқилди.

Тадқиқотлар натижасида турар жойларнинг асрий шаклланган бу каби элементлари нафақат меъморий, балки маънавий, маданий ва тарбиявий функцияларни ҳам бажарганлиги маълум бўлди.

Диссертациянинг **Самарқанд шаҳри тарихий ҳудудининг шаклланишидаги анъанавий турар жойларни қайта тиклаш ва сақлашнинг назарий асослари**» деб номланган учинчи бобида турар жойларни сақлаш, қайта тиклашнинг замонавий тенденциялари аниқланиб, ҳозир ва келажакда архитектурада инновацион модуляциянинг ўзига хос хусусияти, ўз даврининг фалсафаси фонида пайдо бўлган муаммолар, архитектура келажаги ҳақидаги фикр ва унинг ўтмиши, ҳозирги муносабатларидаги аҳамияти, тарихий шаҳар архитектурасида рўй бераётган ўзгаришлар тўлиқ таҳлил қилиниб, ушбу масалалар ечими атрофлича белгилаб берилган.

Маълумки, маҳалла қадимда маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос бир шакли, кўриниши тарзида фаолият кўрсатган. Маҳаллачилик институти жамоатчилик асосида олиб борилиб, ўзининг ёзилмаган ички тартиб-қоидаларига эга бўлиб, у ҳамма учун бирдек қонуний ҳисобланган.

Маҳалла турар жойларининг ривожланиш йўллари, уларнинг композицион-муҳит сифатлари ва бошқа архитектура хусусиятларини тадқиқ қилиш шундай хулосага олиб келдики, ўрганилаётган объектлар Шарқ архитектурасида фақатгина ноёб объектлар бўлиб қолмай, улар замонавий шаҳарсозлик амалиётида ҳам катта аҳамият касб этади.

Маҳаллаларнинг замонавий шаклланиш йўллари устида ўтказилган таҳлил натижасида шу нарса маълум бўлдики, уларнинг кўпчилиги талабга жавоб бермайди. Аввало бу талаблар архитектура-шаҳарсозлик ва функционал хусусиятлар бўлиб, уларда ҳудудлар ва маҳаллий ижтимоий-маиший шароитларда инобатга олинмаган, бу нарса пировард натижада ўзбошимчалик билан бинолар қуриб олишга олиб келган. Уларда архитектура меросининг деградацияси кузатилади.

Шундан келиб чиқиб, маҳалла марказлари ва шаҳарнинг тарихий кўчаларини, анъанавий турар жой биноларини тўлиқ ягона ечимга олиб келиш учун уларни комплекс архитектуравий-функционал модернизациялашни куйидаги босқичларда бажариш таклиф этилди:

Модернизациянинг *áèðè÷è áîñ□è÷è*да авваламбор бино ёки иншоотнинг атроф муҳит билан мутаносиблиги, меъморий обидалар билан яқинлиги (бинонинг якка ҳолати, жойлашиши, функцияси) инобатга олинди. Унда жамоат бинолари, савдо комплекслари шаҳарнинг тарихий ҳудудида жойлашиб, меъморий обидаларнинг кўркини, маҳалла ансамблларининг композицион масштабини бузмаслиги, ҳар бир бинони маҳалла ансамблларига мослаштириб, шу маҳалла биноларига мутаносиб жойлаштириш талаб этилади.

Ёёёёì÷è áîñ□è÷àà модернизация ишларига маҳалланинг турар жой биноларини қайта тиклаш киради. Бу меъморий обидаларнинг реставрацияси, боғлар ва истироҳат боғлари, санъат элементлари ва тарихий қийматга эга бўлган турар жойлар модернизациясидир.

Тадқиқотлар натижасида шаҳарсозлик, шаҳар муҳитининг индивидуаллигида, маҳаллаларнинг услубий ва ландшафт уйғунлигида, асл фазовий муҳит ечимида, бино топографик хусусиятида, анъанавий санъат ва тарихий композицияларда, кичик архитектуравий ансамблларда ўз аксини топиши аниқланган.

